

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

А.А.Қабулов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хафсизлиги
университети мустақил изланувчиси

Мазкур мақолада оммавий тартибсизликларнинг жиноят-хуқуқий тавсифи ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади. Оммавий тартибсизликларни жиноят сифатида тавсифлаш учун хуқуқий асослар ва уларнинг ижтимоий хавфлилиги хусусида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, мазкур жиноятларнинг амалий жавобгарлик масалалари ва уларнинг хуқуқий оқибатлари ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Оммавий тартибсизликлар, жиноят-хуқуқий тавсиф, ижтимоий хавфлилик, хуқуқий оқибатлар, жавобгарлик.

УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

В данной статье анализируются уголовно-правовая характеристика массовых беспорядков и их особенности. Приводятся правовые основания для квалификации массовых беспорядков как преступления, а также их общественная опасность. Также рассматриваются вопросы практической ответственности за данные преступления и их правовые последствия.

Ключевые слова: Массовые беспорядки, уголовно-правовая характеристика, общественная опасность, правовые последствия, ответственность.

CRIMINAL-LEGAL CHARACTERIZATION OF MASS DISTURBANCES AND THEIR SPECIFIC FEATURES

This article analyzes the criminal-legal characterization of mass disturbances and their specific features. It provides the legal basis for characterizing mass disturbances as a crime and discusses their social danger. Issues related to practical accountability for these crimes and their legal consequences are also examined.

Keywords: Mass disturbances, criminal-legal characterization, social danger, legal consequences, accountability.

Оммавий тартибга қарши хуқуқбузарликларга жиноят-хуқуқий чоралар кўриш масалаларини ўрганиш нуқтаи назаридан оммавий тартибсизликлар бевосита обьектини аниқлаш муаммоси жуда долзарб, чунки бу бизга ушбу ижтимоий муносабатларнинг айнан қайси қисми ЖКнинг 244-моддаси билан тартибга солинадиган жиноий-хуқуқий тақиқ билан ҳимояланганини аниқлаш имконини

беради. Албатта, объектни тўғри тушуниш ушбу жиноятнинг ижтимоий-хуқуқий моҳиятини тушунишнинг асосий шартидир.

Юридик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда оммавий тартибсизликнинг бевосита объекти таърифи жуда ихчам тарзда берилган. Жумладан, Б.В.Яцеленко таъкидлашича, оммавий тартибсизликлар объекти жамоат хавфсизлигидир¹⁹⁴. Бироқ, гарчи ушбу моддада назарда тутилган жиноят содир этилиши натижасида жамоат хавфсизлиги, шубҳасиз зарап кўрсада, аммо бу объект Жиноят кодексининг "Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар" номли XVII бобида мустаҳкамланган кўплаб ижтимоий хавфли ҳаракатларга хосдир.

М.П.Карпушин ёзишича: "Оммавий тартибсизликлар давлат бошқаруви, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий манфаатлари каби муҳим объектларга тажовуз қиласи", айни чоғда "оммавий тартибсизликлар юридик ва жисмоний шахслар мулкига ёки уларнинг ўзига хужумлар содир этиш, уларни йўқ қилиш ва шикаст етказишда ифодаланиши туфайли, уларнинг объекти сирасига давлат ва жамоат ёки алоҳида шахсларнинг мулк, ҳокимият вакиллари ва айrim фуқароларнинг шахси бўлиши мумкин"¹⁹⁵.

Албатта, муаллифнинг оммавий тартибсизликлар объектининг мазмуни хақидаги фикрлари анча эскирган, совет қонунчилигига асосланади. Хусусан, замонавий шароитда давлатимизда мулкчилик шакллари соҳасидаги жиддий ўзгаришлар туфайли, мазкур қарашлар қисман ўз аҳамиятини йўқотган.

Ўз навбатида П.В. Помазковнинг сўзларига кўра, оммавий тартибсизликларнинг бевосита объекти " жамоат хавфсизлигининг ўзига хос таркиби қисми сифатида намоён бўладиган жамоат тартиби" ҳисобланади¹⁹⁶. Ушбу таърифда муаллифнинг оммавий тартибсизликнинг бевосита объектини кенг тарқалган жамоат хавфсизлиги билан чекламасдан унинг таркиби қисми сифатида жамоат тартибигача торайтириш истагини таъкидлаш жоиз.

Шуни таъкидлаш керакки, ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби жуда мураккаб тузилишга эгалиги, ушбу жиноятнинг кўшимча объектлари масаласини ҳал қилишнинг табиий заруратига олиб келди. Масалан, К.Г. Вдовиченко ва А.В.Новиковларнинг наздида, бу жиноят кўп объектли бўлиб, оммавий тартибсизликларнинг умуний объекти жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш асослари ҳамда уларни таъминлаш бўйича давлат органларининг фаолияти ҳисобланади. Оммавий тартибсизликларнинг бевосита объектлари фуқаролар ва ҳокимият вакиллари соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, давлат органларининг нормал

¹⁹⁴ Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учебник / Под ред. А.И. Рарога. 7-е изд., перераб. и доп. М.: Проспект, 2012. С. 506

¹⁹⁵ Дьяков С.В., Игнатьев А.А., Карпушин М.П. Ответственность за государственные преступления / Общ. ред. и введ. Л.И. Баркова. М.: Юрид. лит., 1988. С. 110.

¹⁹⁶ Помазков П.В. Борьба с преступлениями против общественного порядка: Дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2004. С. 55 - 56.

фаолияти, турли субъектларнинг мулкий ҳуқуқлари, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари (масалан, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ва бошқалар) бўлиши мумкин¹⁹⁷.

Шу билан бирга, оммавий тартибсизликлар содир этишнинг алоҳида мустақил жиноятларда ифодаланган усуллари ўрганилаётган жиноят ҳуқуқи нормаси билан қамраб олинмайди ва муайян жиноятлар (соғликка, мулкка, бошқарувга қарши жиноятлар ва бошқа) учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ тегишли ҳуқуқий баҳо берилади.

П.В.Агапов ушбу жиноятнинг бевосита объектини батафсилоқ талқин қиласди: «...бевосита обьекти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини умумий хавфли характердаги турли таҳдидлардан химояланганлик ҳолатидир»¹⁹⁸. Аммо шуни таъкидлаш керакки, муаллиф бу ерда "жамоат хавфсизлиги" атамасини унинг норматив таърифи билан алмаштирган, холос. Оқибатда, оммавий тартибсизликларнинг бевосита обьекти таърифи кўриб чиқилаётган жиноятни Жиноят кодексининг XVII бобида назарда тутилган бошқа қилмишлардан ажратиш имконини берадиган аникроқ шаклга эга бўлмади.

Е.Н. Федик, умуман, аввалги муаллифлар нуқтаи назарига қўшилган ҳолда, ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноятнинг қўшимча обьекти сифатида "инсоннинг жисмоний дахлсизлиги, унинг соғлиғи, мулки, жамоат тартиби, корхоналар, муассасалар, ҳокимијат ва бошқарув органлари нормал фаолиятини таъминлаш бўйича муносабатлар"ни қўшимча қиласди¹⁹⁹.

Бизнинг фикримизча, бу қўшимча жуда тўғри, чунки у ўрганилаётган жиноятни содир этиш усуллари - зўравонлик, босқинлар, ўт қўйиш, мулкни йўқ қилиш, ўқотар қурол, портловчи моддалар ёки портловчи қурилмаларни қўллаш, шунингдек ҳокимијат вакилига қуролли қаршилик кўрсатишни ҳисобга олади. Шу билан бирга, мазкур қўшимча оммавий тартибсизликлар таркибининг асосий бевосита обьектини шакллантиришда аниқлик йўқлигини истисно қилмайди.

Шунга кўра, айрим оимларнинг фикрича, оммавий тартибсизликлар жиноятининг қўшимча бевосита обьекти сифатида фуқаролар ва ҳокимијат вакиллари соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, давлат органларининг нормал фаолияти, турли субъектларнинг мулкий ҳуқуқларини тан олиш ҳақидаги фикрлар етарли асосга эга эмас²⁰⁰.

Ўз навбатида, Э.А. Арипов оммавий тартибсизликлар каби жиноятнинг бевосита обьекти жамоат хавфсизлиги, шунингдек, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, давлат, жамоат ва шахсий мулки ҳисобланади, шунда мазкур жиноятнинг асосий

¹⁹⁷ Вдовиченко К.Г. Актуальные вопросы квалификации массовых беспорядков // Общество и право. 2014. N 4 (50). С. 153-155. Новиков А.В. Преступления против общественного порядка, сопряженные с посягательством на собственность: Дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2009. С. 106 - 107.

¹⁹⁸ Уголовное право России. Общая и Особенная части: Учебник / Под ред. д.ю.н., проф. В.К. Дуюнова. М.: РИОР, 2008. С. 487.

¹⁹⁹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. А.В. Бриллианрова. М.: Проспект, 2010. С. 829.

²⁰⁰ <https://wiselawyer.ru/poleznoe/57879-obekt-sostava-massovykh-besporjadkov>

объекти – бу жамоат хавфсизлиги, қўшимчаси эса – шахс ва мулк бўлади²⁰¹, деб ҳисоблайди.

Кўриниб турибдик, оммавий тартибсизликлар таркибининг бевосита объекти ҳақидаги юкоридаги таъриф аввалгиларига ўхшашроқдир.

Бизнинг фикримизча, ЖКнинг 244-моддасида мустаҳкамланган жиноятнинг бевосита объектини аниқлашда жамоат хавфсизлигини бузиш таҳлил қилинаётган жиноятни содир этиш усуллари билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, жиноят содир этишнинг тегишли усуллари оммавий тартибсизликларни ташкил этиш, иштирок этиш ва уларга даъват қилишни жиноий деб топишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, биз оммавий тартибсизликлар таркиби кўп объектли, деб ҳисоблай олмаймиз.

Назаримизда, ЖКнинг 244-моддаси бўйича жиноят содир этилганда, жамоат тартибини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳолда ривожланаётган, рухсат этилган (санкция олинган) ва рухсат этилмаган (санкция олинмаган) оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига оид ижтимоий муносабатлар бузилади, деб айтиш учун асослар мавжуд.

Оммавий тартибсизликлар жуда кенг тарқалган ижтимоий ҳодиса бўлиб, сиёсий бекарорлик даврларига хос бўлиб, сиёсий кучлар курашининг тез-тез учрайдиган атрибутидир. Афсуски, жамоат тартибини бузувчи ва мулкни йўқ қилиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан бирга келадиган бундай хавфли ҳодиса МДҲ ҳудудида хам ўзини намоён қилиши ҳолатлари учрамоқда.

Демократик жамиятда йиғинлар ташкил этиш ҳуқуқи фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, фуқароларнинг демократик бошқарувда иштирок этишининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Митинг, йиғилиш ва намойишлар – бу фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий ёки иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун қилинган бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Уни ўтказиш маданияти ҳар бир халқнинг миллий, диний дунёқарashi ва ижтимоий ривожланиш қонуниятлари билан боғлиқ бўлиб, тарихий давлатчилик тажрибасини намоён этади. Бунда миллатнинг дини, урф-одатлари, сиёсий онги, давлатнинг ривожланиш босқичи муҳим ўрин тутади²⁰².

Бундан ташқари, йиғинлар ўтказишга бир қатор таърифлар келтирилган. Жумладан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кишиларнинг фикр олишуви ёки бирор масалани ҳал қилиш учун тўпланиши²⁰³; Википедия энциклопедиясида митинг, пикет, намойиш ва йиғилишлар ўтказишни ўз ичига оловчи, “биринчи авлод” инсон ҳуқуқларига (фуқаролик ва сиёсий) тегишли ҳуқуқ тури²⁰⁴ эканлиги айтиб ўтилган.

²⁰¹ Арипов Э.А. Уголовная ответственность за массовые беспорядки (по материалам Кыргызской Республики и Российской Федерации): Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2008. С. 122

²⁰² Xoqijiy mamlakatlar konstitutsiyaviy huquqi: darslik / Mas’ul muharrir: prof. A.A.Azizxo’jayev: – T.: TDYI nashriyoti, 2010. – Б.590.

²⁰³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида. Т., 2006-2008. / URL: https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/ O’zbek%20 tilining%20izohli%20lug’ati%20-%20Y.pdf (мурожаат этилган вақт 15.01.2022 й.).

²⁰⁴ Свобода собраний / URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/Свобода_собраний (дата обращения 25.01.2022 г.).

EXХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан ишлаб чиқилган “Тинч йигинлар ўтказиш бўйича устувор тамойиллар” қўлланмасида “йигинлар” атамаси умумий манфаатларни ифода этиш мақсадида бир гурӯҳ шахсларнинг жамоат жойида маълум вақтга йиғилиши деб шарҳланган.

Унга кўра, йигинларда (пикетдан ташқари) камида икки нафар шахснинг иштирок этиши лозимлиги тўғрисида айтиб ўтилган бўлиб, улар ўтказилишига кўра иккига, яъни:

- 1) бир жойда ўтказиладиган – йиғилиш, флешмоб, митинг, намойиш, пикет;
- 2) йигин иштирокчиларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ – кўча юришлари каби турларга ажратилиши мумкинлигига ургу берилган²⁰⁵.

Юқоридаги таърифдан митинглар омма томонидан бирор бир муҳим сиёсий воқеа юзасидан ўтказиладиган йиғилиш эканлигини кўриш мумкин.

Ушбу фикрга мос равишда, рус олимларидан Н.Ю.Шведова²⁰⁶ ҳамда ўзбек олимларидан М.Х. Рустамбаев²⁰⁷ ва А.Х.Сайдовлар²⁰⁸ митингни сиёсий масалаларнинг муҳокамаси учун йиғилган жамоа йиғилиши деб таърифлаган.

Рус олимларидан А.Б. Барихин²⁰⁹, С.И. Ожегов²¹⁰ ҳамда Д.Н. Ушаковлар²¹¹ митингни фуқароларнинг сиёсий масалалардан ташқари ижтимоий ва бошқа масалаларнинг муҳокамаси учун оммавий йиғилиши деб таърифлаб, унинг талаб, хайриҳоҳлик (қўллаб-қувватлаш) ёки норозилик характеристида бўлиши мумкинлиги тўғрисида тўхталиб ўтган.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида келтирилган таърифга кўра, митинг инглизча ибора бўлиб, ўзбекчада бирор бир муҳим воқеа, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган йиғилишdir. Митинг дейилганда, одатда, байрамона кайфиятда ёки давлат ҳокимияти органларидан норози бўлган маълум бир сиёсий гуруҳнинг ёки оммавий ҳаракат ёхуд ишлаб чиқариш ташкилотлари, бирлашмаларининг шаҳар марказларига чиқиб, ўз фикр ва талабларини билдириши тушунилади²¹².

²⁰⁵ Руководящие принципы по свободе мирных собраний. Издание 2-е / Опубликовано БДИПЧ ОБСЕ, 2011. – С. 33.

²⁰⁶ Толковый словарь русского языка с включением сведений о происхождении слов / РАН. Институт русского языка им. В.В. Виноградова, Отв. ред. Н. Ю. Шведова. – М., 2011: Издательский центр «Азбуковник». – С. 451.

²⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш: Бакалавриятнинг ноюридик йуналишлари учун укув кулланма. – Т.: “Ўзбекистон” 2001. – Б. 228.

²⁰⁸ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. А.Х. Сайдов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б. 749.

²⁰⁹ А.Б.Барихин. Большая юридическая энциклопедия. (Серия «Профессиональные справочники и энциклопедии») – М.: Книжный мир, 2010. – С. 456.

²¹⁰ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка: Ок. 100 000 слов, терминов и фразеологических выражений / С.И. Ожегов. Под ред. Проф. Л.И. Скворцова. – 26-е изд., испр. и доп. – М.: ООО «Издательство Оникс»; ООО «Издательство «Мир и Образование», 2010. – С. 296.

²¹¹ Ушаков Д.Н. Толковый словарь современного русского языка, Д.Н.Ушаков – М.: «Аделант», 2013. – С. 303.

²¹² Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошк.; масъул мухаррир Н. Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009. – Б. 310.

Бундан ташқари, Қозоғистон²¹³ ҳамда Беларусь²¹⁴ республикалари қонунчилигига кўра, митинг – бу ижтимоий муҳим масалалар юзасидан ёки мансабдор шахслар ва ташкилотларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги устидан ўз фикрларини билдириш мақсадида овоз кучайтирувчи техник воситалар, плакат-лар, транспарантлар ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда белгиланган вактда ва белгиланган жойда фуқароларнинг оммавий йиғилиши, – деб таъриф берилган.

Берилган таърифларни таҳлил қиласр эканмиз, фикримизча, митингга бериладиган таъриф қуйидагича бўлиши лозим, яъни митинг – овоз кучайтирувчи техник воситалар ва тарғибот материалларидан (плакат, транспарант, варақа ва бошқалар) фойдаланган ҳолда ижтимоий ахамияти долзарб масалалар юзасидан ёки бирор-бир шахс ва ташкилотнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) га хайриҳоҳлик (кўллаб-куватлаш) ёхуд норозилик билдириш мақсадида жамоатчилик фикрини ифодалаш учун фуқароларнинг белгиланган жойдаги оммавий иштироки.

Йиғилиш – бирор масала юзасидан тегишли шахсларнинг тўпланиши²¹⁵. Юқоридаги умумий таърифга хос равишда, рус олимларидан А.Б. Барихин²¹⁶, А.Б. Борисов²¹⁷, С.И. Ожегов²¹⁸, Н.Ю. Шведова²¹⁹ ва Д.Н. Ушаковлар²²⁰ йиғилишни фуқароларнинг бирор бир масала юзасидан бирор бир жойда тўпланиши сифатида таърифлаганлар.

Ўзбек олимларидан М.Х. Рустамбаев берган таърифга кўра, йиғилиш – бу ёпик иморатда ёки бирор хонада ўтказиладиган, маълум йиғилган шахсларнинг мажлиси. Мажлис шаклидаги йиғилишлар мажлис ташкилотчилари томонидан иштирокчилар сонини чегаралаш учун танланиши мумкин, лекин бу йиғилишнинг асосий моҳиятини белгиламайди²²¹.

М.Х. Рустамбаевдан фарқли ўларок, рус олимларидан А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских йиғилишларни бино ёки ёпик жойлардан ташқари очик ҳавода ҳам ўтказилиши мумкинлиги тўғрисида сўз юритган²²².

Россия Федерацияси²²³, Қозоғистон²²⁴, Туркманистон²²⁵ ва Беларусь республикалари²²⁶ қонунчилигига кўра, йиғилиш – бу маҳсус ажратилган ва

²¹³ Закон Республики Казахстан № 333–VI ЗРК “О порядке организации и проведения мирных собраний в Республике Казахстан” от 25 мая 2020 года.

²¹⁴ Закон Республики Беларусь № 114-З “О массовых мероприятиях от 30 декабря 1997 года.

²¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш: Бакалавриятнинг ноюридик йуналишлари учун укув кулланма. – Т.: “Ўзбекистон” 2001. – Б. 186.

²¹⁶ А.Б.Барихин. Большая юридическая энциклопедия. (Серия «Профессиональные справочники и энциклопедии») – М.: Книжный мир, 2010. – С. 777.

²¹⁷ Борисов А.Б. Большой юридический словарь. – М.: Книжный мир, 2010. – С. 686.

²¹⁸ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка: Ок. 100 000 слов, терминов и фразеологических выражений / С.И. Ожегов. Под ред. Проф. Л.И. Скворцова. – 26-е изд., испр. и доп. – М.: ООО «Издательство Оникс»; ООО «Издательство «Мир и Образование», 2010. – С. 593.

²¹⁹ Толковый словарь русского языка с включением сведений о происхождении слов / РАН. Институт русского языка им. В.В. Виноградова, Отв. ред. Н. Ю. Шведова. – М., 2011: Издательский центр «Азбуковник». – С. 909.

²²⁰ Ушаков Д.Н. Толковый словарь современного русского языка, Д.Н.Ушаков – М.: «Аделант», 2013. – С. 636.

²²¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш: Бакалавриятнинг ноюридик йуналишлари учун укув кулланма. – Т.: “Ўзбекистон” 2001. – Б. 186.

²²² Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – М.: ИНФРА-М. 2000. – С. 565.

жихозланган жойда ижтимоий муҳим масалаларни, шунингдек, шахслар, идоралар ва ташкилотларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини муҳокама қилиш мақсадида фуқароларнинг биргаликдаги иштироки, – дея таърифланган.

Қирғизистон²²⁷ ҳамда Тожикистон²²⁸ республикаларининг қонунчилигигида эса йиғилиш – жамоатчилик, ҳудудий ҳокимият идоралари ва давлат органларининг дикқат-эътиборини жалб қилиш мақсадида фуқароларнинг бирор бир ижтимоий муҳим масала юзасидан муҳокамага йиғилиши, – эканлиги белгиланган.

Юқоридаги таърифлар таҳлил қилинганда, А.Б. Барихин, А.Б. Борисов, С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведова ва Д.Н. Ушаковларнинг йиғилиш бўйича умумий маънода таъриф берганлигига гувоҳ бўлишимиз ва улар фикрига қисман қўшилишимиз мумкин. Чунки тушунчага тўлиқ ва тўғри таъриф бериш ҳаракатларни бир-биридан фарқлаш ва уларни квалификация қилишга хизмат қиласди.

М.Х. Рустамбаев йиғилишларнинг ёпиқ иморат ёки хонада ўтказилиши тўғрисидаги фикрига қисман қўшилиш мумкин. Аммо ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, пандемия шароити ёки бошқа вазиятлардан келиб чиқиб йиғилишлар очиқ ҳавода ёки виртуал (дистанцион) ўтказилиши ҳам мумкин.

Юқоридаги таърифлар таҳлилидан келиб чиқиб, йиғилиш тушунчаси қўйидагича таърифланиши лозим, яъни йиғилиш – жамоатчилик, ҳудудий ҳокимият идоралари ва давлат органларининг эътиборини жалб қилиш мақсадида, маҳсус ажратилган ва жихозланган жойда, ташвиқот материалларидан фойдаланмаган ҳолда, ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни, шунингдек, шахслар, идоралар ва ташкилотларнинг ҳаракат ёки ҳаракат-сизлигини муҳокама қилиш мақсадида фуқароларнинг биргаликдаги иштироки.

Намойиш – бирор мақсад билан уюштириладиган оммавий ҳаракат²²⁹.

Рус олимларидан С.И. Ожегов²³⁰, Н.Ю. Шведова²³¹ ва Д.Н. Ушаковлар²³² берган таърифга кўра, намойиш – ижтимоий-сиёсий норозиликнинг очиқ қўриниши булиб,

²²³ Федеральный Закон Российской Федерации № 54-ФЗ “О собраниях, митингах, демонстрациях, шествиях и пикетированиях” от 19 июня 2004 года (с изменениями на 17 мая 2021 года).

²²⁴ Закон Республики Казахстан № 333-VI ЗРК “О порядке организации и проведения мирных собраний в Республике Казахстан” от 25 мая 2020 года.

²²⁵ Закон Туркменистана “Об организации и проведении собраний, митингов, демонстраций и других массовых мероприятий” от 28 февраля 2015 года (С изменениями внесенным Законами Туркменистана от 09.06.2018 г. № 38-VI и 14.03.2020 г. № 234-VI).

²²⁶ Закон Республики Беларусь № 114-3 “О массовых мероприятиях от 30 декабря 1997 года.

²²⁷ Закон Кыргызской Республики № 64 “О мирных собраниях” от 23 мая 2012 года.

²²⁸ Закон Республики Таджикистан № 1169 “О собраниях, митингах, демонстрациях и уличных шествиях” от 31 декабря 2014 года

²²⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш: Бакалавриятнинг ноюридик йұналишлари учун укув кулланма. – Т.: “Ўзбекистон” 2001. – Б. 91.

²³⁰ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка: Ок. 100 000 слов, терминов и фразеологических выражений / С.И. Ожегов. Под ред. Проф. Л.И. Скворцова. – 26-е изд., испр. и доп. – М.: ООО «Издательство Оникс»; ООО «Издательство «Мир и Образование», 2010. – С. 140.

²³¹ Толковый словарь русского языка с включением сведений о происхождении слов / РАН. Институт русского языка им. В.В. Виноградова, Отв. ред. Н. Ю. Шведова. – М., 2011: Издательский центр «Азбуковник». – С. 190.

²³² Ушаков Д.Н. Толковый словарь современного русского языка, Д.Н.Ушаков – М.: «Аделант», 2013. – С. 112.

намойишчиларнинг у ёки бу масалага нисбатан оммавий тарздаги очик муносабатлариdir.

Юқоридагилар фарқли ўлароқ, М.Х. Рустамбаев²³³, У.Ш. Ҳусаинов²³⁴ ҳамда Ю.И. Фединский²³⁵ намойишлар ўтказилишида плакатлар, транспарантлар ва бошқа тарғибот материалларидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирган.

Россия Федерацияси²³⁶ ва Қозоғистон Республикаси²³⁷ қонунчилигига эса намойишларни амалга оширилишида транспорт воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида айтиб ўтилган.

Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигига кўра, намойишларни амалга оширилишида транспорт воситаларидан фойдаланиш, Беларусь республикаси қонунчилигига кўра, намойишларни йўл (кўча) нинг йўловчилар ҳамда автотранспорт воситалари қатнов қисмида, бульвар, проспект, майдонларда ўтказиш намойишларга хос хусусиятлар эканлигини қайд этиш лозим.

Юқоридагилардан фарқли ўлароқ, намойишларни амалга оширишда бошқа тарғибот материаллари, жойлар ва транспорт воситаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Тарғибот материаллари сифатида 2014 йилнинг сентябрь ойида Хитойнинг Гонгконг шаҳрида намойишга чиққан фуқаролар соябонлардан фойдаланганлиги, намойишларни ўтказиш жойи юзасидан 2020 йилнинг 19 сентябрь куни Истроил давлатининг Тель-Авив шаҳридаги пляжлардан бирида карантин чора-тадбирларига қарши намойиш ўтказилганлиги; транспорт воситаларидан фойдаланишда Хиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида 2021 йилнинг 26 январь куни бўлиб ўтган “трактор намойишлари”да трактор ҳамда мотоцикллардан ташқари фуқаролар отларда ҳам қатнашганлиги шулар жумласидан.

Шунингдек, кўча юриши, пикет ёки флешмобдан фарқли ўлароқ, намойишлар бошқа шаклларда ҳам ўтказилиши мумкинлиги инобатга олинмаган. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюроси томонидан ишлаб чиқилган “Тинч йиғинларни ташкил этиш эркинлигини мониторинг қилиш бўйича қўлланма”да ўзида сиёсий норози муносабатни ифода этган дафн маросимлари кўринишидаги намойишлар, фуқароларнинг транспорт воситалари, жумладан, велосипедларда колонна бўлиб ҳаракатланишлари орқали норозиликларини билдиришлари кўринишидаги намойишлар ёки Қозоғистон Республикасининг 1995 йилдаги “Тинч йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, пикетлар ва намойишлар

²³³ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. [Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан] маҳсус қисм / М. Рустамбаев. – Тошкент: “Адолат”, 2016. – Б. 592.

²³⁴ Xorijiy mamlakatlar konstitutsiyaviy huquqi: darslik / Mas’ul muharrir: prof. A.A.Azizxo’jayev: – T.: TDYI nashriyoti, 2010. – Б.139.

²³⁵ Большой толковый словарь официальных терминов: более 8000 терминов / Сост. Ю.И. Фединский. – М.: ООО «Издательство Астрель», 2004. – С. 197.

²³⁶ Федеральный Закон Российской Федерации № 54-ФЗ “О собраниях, митингах, демонстрациях, шествиях и пикетированиях” от 19 июня 2004 года (с изменениями на 17 мая 2021 года).

²³⁷ Закон Республики Казахстан № 333–VI ЗРК “О порядке организации и проведения мирных собраний в Республике Казахстан” от 25 мая 2020 года.

ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қонунида норозилик ифодаси сифатида жамоат жойларида очлик эълон қилиш, ўтов ва палаткалар куриш шаклидаги намойишлар шулар жумласидан.

Шунингдек, Ўзбекистон юридик энциклопедиясида, бир киши плакат кўтариб бино ёнида туриши, одамларнинг бино эшиги ёнида ёки бирор бир худудга кираверишда эмас, балки, объектга яқин бўлган жойда туриши, очлик эълон қилган кишиларнинг бино эшигига яқин жойда жойлашиб олиши йиғилиш ва намойишлар хукуқини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қонун хужжатларида батафсил баён этилиши кераклиги қайд этилган²³⁸.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда намойиш тушунчаси қўйидагича таърифланиши лозим, яъни намойиш бир гурӯх фуқаролар томонидан тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда жамоатчилик кайфиятини ифодалаш орқали амалга ошириладиган ижтимоий фаолликнинг уюшган шакли ҳисобланади. Намойиш кўча юриши, пикет ёки флешмоб ёхуд бошқа шаклда ўтказилиши мумкин.

Кейинги масала, бу ЖКнинг 244-моддаси диспозициясида кўрсатилган, оммавий тартибсизликлар ижтимоий хавфини оширадиган белгиларни кўриб чиқишимиз керак.

Оммавий тартибсизликлар пайтида амалга ошириладиган зўрлик турли шаклларда бўлиши мумкин. Жисмоний зўрлик ижтимоий хавфлилик даражасида турлича бўлган ва соғлиққа турли даражадаги оғирликдаги зарар етказувчи баданга шикаст етказиш, дўппослашда (ЖКнинг 104, 105, 109-моддалар), шунингдек ўлим (ЖКнинг 97-моддаси)да ифодаланиши мумкин бўлган бир қатор ҳаракатларни ўз ичига олади. Психологик зўрликка келсак, бундай ҳаракатлар қасдан одам ўлдириш ёки соғликка зарар етказиш билан таҳдид қилишни ўз ичига олиши керак²³⁹.

Кирғин солиши - кўчар ва кўчмас мулк объектлари ва иншоотларига зарар етказиш, яксон қилиш ёки нобуд қилишдир.

Ўт қўйиш биноларни, иншоотларни, мулкларни ва табиий объектларни ёқишига қаратилган фақат қасдан қилинган ҳаракатлар сифатида қаралиши керак. Бундай ҳолда, объектларнинг шикастланиши ёки йўқ қилиниши кўринишидаги оқибатларнинг юзага келиши ёки юза келмаслиги қилмишнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Мулкни нобуд қилиш - бу объектларни бевосита функцияларини йўқотадиган ва тиклаб бўлмайдиган ҳолатга келтиришга қаратилган ҳаракатлар.

Кейинги белги - курол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб, шахсга қарши зўрлик ишлатиш.

қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни қўллаш деганда улардан жонли нишонни уриш ёки моддий объектларни йўқ қилиш учун фойдаланиш, шунингдек улардан фойдаланиш таҳдиди тушунилади.

²³⁸ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мұхитдинов ва бошқ.; масъул мұхаррир Н. Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009. – Б. 310.

²³⁹ Багмет А.М., Розовская Т.И. Насилие как конструктивный признак объективной стороны преступления, предусмотренного ст.212 УК РФ // Российский следователь. 2014. №24. С.21-25.

Қуролнинг қонунчиликдаги таърифи 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ-550-сон "Қурол тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг З-моддасида мавжуд. Ушбу таърифга кўра, қурол – бу тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар²⁴⁰. Шунингдек, ўқдорилар деганда, қуролнинг жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш учун мўлжалланган ҳамда таркибида портловчи, порохли, улоқтирувчи, пиротехник ёки уриб чиқарадиган моддалар ёхуд уларнинг бирикмаси мавжуд бўлган қурол-яроғ ашёлари ва улоқтириладиган аслаҳаси тушунилмоғи лозим.

Оммавий тартибсизликлар жараёнида портловчи қурилмалар ("Молотов коктейли"), портлатиш мосламалари, портловчи моддалардан ҳам фойдаланиш ҳолатлари учрайди. Олий суд Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги З-сонли қарорининг 2-бандига мувофик:

портловчи моддалар деганда, порох, динамит, тротил, нитроглицерин ва кислородли ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалар тушунилмоғи лозим;

портлатиш қурилмалари деганда, портловчи моддалар билан тўлдирилган ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган йигилган ҳолдаги қурилмалар тушунилмоғи лозим.

Келинг, оммавий тартибсизликларнинг объектив томонини ташкил этувчи конкрет ҳаракатларни муҳокама қиласиз.

Хусусан, ЖК 244-моддаси З-қисмида белгиланган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш унинг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажаришига фаол тўсқинлик қилишдан иборат ҳисобланади. Бу килмиш аксарият ҳолларда қурол, портловчи моддалар, портловчи қурилмалар ва заҳарли моддаларни қўллаш ёки улардан фойдаланиш билан қўрқитиш орқали содир этилади.

Оммавий тартибсизликларни ташкил этиш деганда эҳтимолий тартибсизликларни режалаштириш, уларнинг асосий фаолларини танлаш, тайёрлаш ва ўқитиш, оммавий зўравонлик ҳаракатларини йўналтириш ва бунда шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатишга йўналтириш тушунилиши керак.

Қайд этиш жоизки, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ташкилотчи ёки етакчининг бевосита иштирок этиши оммавий тартибсизликлар уюштириш ёки оммавий тартибсизликлар вақтида оломонга раҳбарлик қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди²⁴¹.

ЖКнинг 244-моддаси 1-қисмида назарда тутилган оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш исталган

²⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ-550-сон "Қурол тўғрисида"ги қонуни // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.07.2019 й., 03/19/550/3484-сон

²⁴¹ Багмет А.М. Массовые беспорядки как уголовно-правовое понятие // Власть и управление на Востоке России. 2012. №3. С.124-128.

шахсни оммавий тартибсизликлар содир этишга жалб қилишдир. Даъват этиш усуллари оммавий чиқишилар орқали ишонтириш, пора бериш, шунингдек, тегишли материалларни Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали жойлаштириш орқали маълум йигилишлар ўтказишни таклифлар илгари суриндан иборат.

Оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш – ЖКнинг 244-моддаси З-қисмida назарда тутилган ҳаракатларни, яъни қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш қабиларни шахсан бевосита содир этишда ифодаланади.

Оммавий тартибсизликларга даъват қилиш оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши мумкин.

Даъват этиш оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Оғзаки шакл оммавий нутқни тўғридан-тўғри ёки телевизор, радио ёки Интернетдан фойдаланиб тарқатишни ўз ичига олади.

Ёзма шаклда мурожаатлар варагалар, плакатлар, баннерлар, интернет тармоғидаги мақолалар ва бошқа турдаги тарғибот материаллари кўринишида тарқатилиши мумкин.

Бундай мурожаатларни оммавий тартибсизликларга даъват этиш деб тан олиш учун чиқиш халқ оммасини таҳлил этилаётган моддада назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этишга жалб қилишга қаратилган бўлиши керак.

Айтиш лозимки, фуқаролик итоатсизлигига қаратилган оммавий мурожаатлар оммавий тартибсизликларга чақириш ҳисобланмайди.

Аксарият ҳолларда, оммавий тартибсизликлар уюштириш ёки уларда қатнашиш – бу узокқа қаратилган мақсадларни кўзлайдиган турли экстремистик гуруҳлар томонидан ташкил этилиб, бунда алоҳида шахслар махсус тайёргарликдан ўтади. Жумладан, ушбу тайёргарлик жараёни қўйидагиларни ўз ичига олади:

- жисмоний ва психоложик тайёргарлик бўйича билим, амалий кўникма ва кўникмаларни эгаллаш;
- оммавий тартибсизликларни уюштириш йўлларини ўрганиш;
- қурол, портловчи қурилмалар, портловчи ва заҳарли моддалар, шунингдек, атрофдагилар учун хавф туғдирувчи бошқа моддалар ва нарсалар билан ишлаш қоидаларини ўрганиш.

Ҳар қандай жиноятнинг субъектив томони биринчи навбатда айб билан тавсифланади. ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноят, шубҳасиз, қасдан қилинади, аммо жиноят ҳукуқи фанида оммавий тартибсизликларга хос бўлган қасд шаклида яқдиллик кузатилмайди. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қасд фақат тўғри бўлиши мумкин, бу позицияни А.В. Новиков, А.В. Галахова, А.И. Чучаев,

А.В.Бриллиантовлар илгари суради. Айрим ҳуқуқшунослар, масалан, С.К.Кудашкин, Э.А.Арипов, А.З. Илёсов ва П.В.Агапов, тўғри ва эгри қасд мавжудлигига даъво қиласди.

Жумладан, С.К. Кудашкин шундай ёзади: "...Оммавий тартибсизликлар ташкилотчиларининг жавобгарлигини белгилаганда, уларнинг зиммасига кўп ҳолларда содир бўладиган барча жиноий ҳаракатлар: талончилик, вайронагарчилик, ўт қўйиш, ҳокимиятга қуролли қаршилик кўрсатишни юклаш зарур. Бироқ, табиийки, оммавий тартибсизликлар ташкилотчиси оломон томонидан ҳақиқатда содир этиладиган жиноятларнинг бутун мажмуини олдиндан кўра олмаслиги аниқ. Шу билан бирга, тартибсизликлар иштирокчиларига нисбатан умумий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишида, тажовуз обьектларини аниқлашда бундай оқибатларнинг айримлари эҳтимолини онгли равишида қабул қилиш, ташкилотчи эгри қасди билан ҳам қамраб олиниши мумкин. Бунда қасд оқибатларнинг турига (масалан, босқин, ўт қўйиш, қирғин) нисбатан туғри, аммо жиноят кўлами (садир бўлган воқеалар ва улар келтирган зарап миқдори)га нисбатан эгри бўлади"²⁴².

Бироқ, оммавий тартибсизликлар ташкилотчиси эгри қасд билан ҳаракат қилиши мумкин, деган гап бизга асоссиздек туюлади. ЖКнинг 244-моддаси З-қисмига биноан жиноят таркиби – формал, зотан қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиши, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш билан кечадиган оммавий тартибсизликлар уюштиришга қаратилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб ушбу жиноий қилмиш тугалланган ҳисобланади. Шунга кўра, оммавий тартибсизликлар ташкилотчисининг ҳаракатларининг квалификацияси учун ушбу ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳажми муҳим эмас. Шубҳасиз, оммавий тартибсизликлар жараёнида соғликка қасдан турли оғирликдаги зарап етказиш, номусга тегиши, босқинчилик, қотиллик, шунингдек, қўшимча равишида квалификацияни талаб қиласиган бошқа ҳаракатлар содир этилиши мумкин. Оммавий тартибсизликлар ташкилотчиси ўзининг бевосита кўрсатмасидан ташқарига чиқадиган хатти-ҳаракатлар содир этиш эҳтимолини олдиндан кўриб, бунга бефарқ бўлгандир, аммо бу жиноятлар учун жавобгарликка тортиладими?

Оммавий тартибсизликлар ташкилотчиси жиноятни дастлабки режасини амалга оширади ва жараён иштирокчиларига раҳбарлик қиласди. Уни айбига оммавий тартибсизликлар иштирокчилари томонидан шахсга, мулкка, бошқарув тартибига ва қўшимча квалификация талаб қиласиган бошқа обьектларга қарши қасдан содир этган жиноятларни ҳам юклаш учун ушбу жиноятларни уюштиришга қаратилган, ташкилотчининг эгри қасдини истисно этадиган аниқ йўл-йўриқлар мавжуд бўлганлигини аниқлаш керак.

²⁴² Кудашкин С.К. К вопросу о разграничении массовых беспорядков и группового хулиганства // Вестник Московского университета МВД России. 2020. N 3. С. 184-188.

Демақ, оммавий тартибсизликларни уюштиришга қаратилган фаолият фақат тўғри қасд билан амалга оширилиши мумкин. Эгри қасд оммавий тартибсизликлар ташкилотчиси фаолиятининг моҳиятига зид келади.

Оммавий тартибсизликларда иштирок этиш учун ёлловчи, даъват этувчи шахснинг қасди, бизнингча, ташкилотчининг қасди каби, фақат тўғри бўлиши мумкин, бу ташкилотчи ва даъват этувчи, ёлловчи фаолиятининг ўхшашлиги билан изоҳланади. Агар биринчиси ташкилий муаммоларни ҳал қилиши ва иштирокчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш билан овора бўлса, иккинчиси мос келадиган одамларни қидириш ва жиноий фаолиятга жалб қилиш билан шуғулланади. Даъват этувчи ташкилотчи каби тартибсизликлар иштирокчилари томонидан ЖКнинг 244-моддаси 3-қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатларнинг содир этилишида ифодаланган оқибатларига бефарқ бўлолмайди, шунга кўра, 244-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томони, тўғри қасд шаклига эга айб билан тавсифланади.

Оммавий тартибсизликлар иштирокчисининг қасди масаласи ҳам жуда мунозарали. ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноят формал таркибга эга, аммо бу қасд фақат тўғри бўлиши мумкинлигини англатадими? Формал таркибга эга бўлган жиноятларда қасд турлари ва уларда эгри қасднинг бўлиши мумкинлиги ҳақидаги мунозара турлича фикрлар билдирилади. Бир қатор муаллифлар, масалан, В.В. Лунев ва М.А. Кауфман формал жиноятлар фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкинлигини таъкидлаб, формал жиноят содир этаётган шахс қилмишнинг хавфилигини билиши ва уни содир этишни хоҳлашини таъкидлайди²⁴³. Айрим тадкиқотчилар, аксинча, формал жиноят эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин, дейишади²⁴⁴. Учинчи нуқтаи назар ҳам борки, Г.А.Злобин, Б.С.Никифоров ва С.Ю. Кораблеванинг наздида, моддий таркибга эга бўлган жиноятларда қасдни тўғри ва эгри бўлишнинг амалий аҳамияти йўқлигини тан олиш керак²⁴⁵.

Айни дамда, формал жиноятлар фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин деган фикр энг кенг тарқалган.

Бошқа томондан, ЖКнинг 22-моддаси 2-қисмида келтирилган нормага кўра: “Ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин”. Нормани тўғридан-тўғри талқин қилишдан келиб чиқсан ҳолда, қасднинг тури ҳар бир аниқ ҳолатда, шу жумладан, формал таркибга эга бўлган жиноятларда ҳам белгиланиши керак деган хулосага келишимиз мумкин.

Оммавий тартибсизликлар иштирокчиси қасди шаклини аниқлашнинг мураккаблиги қисман ушбу ҳаракатнинг турли хил кўринишларининг оқибатидир. Оммавий тартибсизликлар иштирокчисининг жавобгарлигини назарда тутувчи 244-

²⁴³ Лунев В.В. Субъективное вменение. — М., 2000. — С. 39; Кауфман М.А. Нормативная неопределенность в уголовном законодательстве // Журнал российского права. — 2009. — № 10. — С. 58.

²⁴⁴ Кабанов Н.А. Отдельные вопросы юридической оценки деяний, связанных с массовыми беспорядками // Вестник экономической безопасности. 2019. N 3. С. 156-160.

²⁴⁵ Злобин Г. А., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. — М., 1972. — С. 110, 113; Кораблева С. Ю. Место косвенного умысла в российском уголовном праве // Юридическое образование и наука. — 2009. — № 3.

модда 3-қисмида кўрсатилган қилмишлар рўйхати: қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик қўрсатиш. Бундай турфа хил қилмишлар рўйхатига эга бўлган ҳолда, биз оммавий тартибсизликларда иштирок этишининг конкрет кўринишидан келиб чиқиб, айб шаклини аниқлашимиз шарт.

Эгри ва тўғри қасдни ажратиб кўрсатиш учун, кутилаётган ёки юзага келадиган оқибатларга нисбатан ифодаланган аниқ бир қилмишнинг иродавий мазмунини аниқлаш керак.

Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш оммавий тартибсизликлар намоён бўлиш шаклларидан бири сифатида нафақат жисмоний азоб-уқубатларни келтириб чиқаради, балки соғликка заарар етказиш кўринишидаги оқибатларга олиб келиши мумкин, бунда оммавий тартибсизликлар иштирокчиси нафақат тўғри қасд билан, балки эгри қасд билан ҳам ҳаракат қилиши мумкин, чунки аниқ шикаст етказишни истамаслиги мумкин, аммо онгли равища бунга йўл қўйиб беради.

Қирғин ва ўт қўйиш факат тўғри қасд билан содир этилган аниқ мақсадли ҳаракатлардир.

Мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш моддий таркибга эга жиноятдир, бунда оммавий тартибсизликлар иштирокчиси ўз қилмишининг оғир оқибатларининг юзага келишини ҳам ҳоҳлаши, ҳам унга йўл қўйиши ёки уларга бефарқ муносабатда бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, оммавий тартибсизликнинг намоён бўлиш шакли сифатида мулкни шикастлаш, уни нобуд қилиш ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан амалга оширилиши мумкин.

Ўқотар қурол, портловчи моддалар ва портловчи курилмаларни қўллаш, ҳокимият вакилига қуролли қаршилик қўрсатиш факат тўғри қасд билан содир этилади.

ЖКнинг 244-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятларнинг субъектив томони қасд кўринишидаги айб билан тавсифланади, унинг тури аниқ ифода шаклига, тартибсизликлар иштирокчиси томонидан содир этилган конкрет ҳаракатга қараб белгиланади.

Оммавий тартибсизликларга омма олдида даъват қилиш субъектив томонини аниқлаш масаласи жуда баҳсли. Оммавий тартибсизликларга даъват этувчи шахснинг қасд шаклига нисбатан фанда мутлақо қарама-қарши қарашлар мавжуд.

Р.Х.Кубов оммавий тартибсизликларни содир этишга даъват этишини далолатчиликнинг алоҳида тури сифатида белгилайди²⁴⁶.

А.Соловьев “Фаол итоатсизликка, оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонликка даъват қилувчилар эгри қасд билан ҳаракат қиладилар ва фақат ўз ҳаракатларидан заарли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини онгли равища тан оладилар. У уларнинг содир бўлишини хоҳламаслиги ёки “ҳеч қандай

²⁴⁶ Кубов Р. Х. Совершенствование практики применения норм УК РФ об организационных формах преступной деятельности // Российский следователь. — 2006. — № 4. — С. 16.

ёмон нарса бўлмайди” деб умид қилиши мумкин, улар оқибатлари ҳақида қайғурмасдан, ўзининг фаол фуқаролик позициясини шундай ифодалайман дейишади”²⁴⁷.

Мазкур масала юзасидан ўз фикрини билдирган Г.С. Злобин ва Б.С. Никифоровнинг таъкидлашича, “далолатчилик учун жавобгарлик далолатчи айборнинг жиноят содир этишини хоҳлаган ҳолларда ҳам, айбор маълум бир қасдан жиноят содир этишга қарор қилиши мумкинлигини онгли равища англаб турган тақдирда ҳам пайдо бўлиши керак. Охирги ҳолатда, масалан, айборни жиноят содир этишга ундағанда, далолатчининг мақсади жиноят таркибиға кирувчи жиноий натижага эришиш эмас, балки айборга ҳар қандай зарар етказиш (жиноий жавобгарлик, маънавий обрўсими йўқотиш, қасос олиш) бўлганда ҳам юзага келади”²⁴⁸. Шу билан бирга, ушбу муаллифлар оммавий тартибсизликларга чақиравчи шахс ниятининг иродавий элементи, иштирокчилар ҳаракатининг ижтимоий хавфли оқибатларила эмас, балки иштирокчиларнинг айнан ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноятни мақсадли содир этиш факти эканлигини таъкидлайдилар.

Бу шуни англатадики, даъват этувчи ҳаракатларининг квалификация қилишда, айнан иштирокчиларнинг қилмиши оқибатлари муҳим эмас.

Далолатчининг ҳаракатларида эгри қасд борлиги ҳақидаги фикрга эътиroz билдириш мумкин, чунки бундай даъват этувчи ўзи онгли равища бошқа одамларни тартибсизликларга чақириб, мазкур шахслар ушбу жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи жиноий ҳаракатлар қилишини истамаслигини тасаввур қилиш қийин. Оммавий тартибсизликларга даъват этувчи шахс иштирокчилар ҳаракатларининг оқибатларига бефарқ бўлса ҳам, унинг иштирокчиларнинг қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш фактига бефарқлиги мумкин эмас, чунки бу ҳолда бундай шахс ўз ниятларини англамайди ва унинг ҳаракатлари ўз маъносини йўқотади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖКнинг 244-моддаси 1-қисмida назарда тутилган жиноят фақат тўғри билан содир этилиши мумкин деган хulosага келишимиз мумкин.

Жиноятнинг мотиви ушбу модданинг 1, 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган жиноятлар таркибиға кирмаслигига қарамай, уларнинг жиноий-ҳукуқий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Мотив жиноятнинг зарурий белгилари бўлмаса ҳам, квалификацияга таъсир қилиши, оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб хизмат қилиши, шунингдек жазони индивидуаллаштиришга ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, мақсад ва мотивларни аниқлаш бир-бирига ўхшаш ва яқин (турдош) жиноятларни ажратишга ёрдам беради.

Асосий мотивлар орасида:

²⁴⁷ Соловьев А. Массовые беспорядки: организация, участие, призывы к неподчинению // Российская юстиция. 2003. №7. С.48.

²⁴⁸ Багмет А.М. Криминология уголовного закона: проблемы правового регулирования массовых беспорядков как вида насильтвенной преступности // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. 2013. N 1. С. 76-84..

- ижтимоий-иктисодий вазиятдан норозилик, ҳокимият ва/ёки маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятидан норозилик, турмуш даражасининг пастлигидан норозилик ва бошқалар.

- миллатчилик ёки бошқа шовинистик туйғулар, безорилик ниятлари, сиёсий экстремизм.

- юқоридаги мотивлар билан бирикиши мумкин бўлган бошқа паст мотивлар.

Юқоридагилардан келиб чиқсан холда, биз ЖКнинг 244-моддаси 1, 3-қисмларида (даъват этувчи, ташкилотчи) назарда тутилган жиноятларнинг субъектив томони ажралмас элементи бўлмиш айб тўғри қасд шаклида намоён бўлади деган хуносага келишимиз мумкин. Шу билан бирга, оммавий тартибсизликлар иштирокчиси қасдининг шакли (ЖКнинг 244-моддаси 3-қисми) бевосита иштирок этиш шаклига ва аниқ ҳаракатларига боғлиқ. Бироқ, ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган ҳаракатларни квалификация қилиш учун қасднинг шакли муҳим эмас.

Оммавий тартибсизликлар субъектининг умумий хусусияти шундаки, у жисмоний шахс бўлиши керак. ЖКнинг 11 - 12-моддаларига кўра, жиноят субъектлари Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

ЖКнинг 244-моддаси 3-қисми диспозициясида, билвосита бўлсада, қонун чиқарувчи ушбу жиноятнинг маҳсус субъекти - оммавий тартибсизликлар ташкилотчисига ишора қиласди.

Жиноят ташкилотчисининг умумий таърифи ЖКнинг 28-моддасининг 3-қисмида келтирилган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади.

Демак, оммавий тартибсизликлар ташкилотчиси, биз кўриб турганимиздек, оммавий тартибсизликларни тайёрлашга ва оммавий тартибсизликлар вақтида унга раҳбарлик қилишга қаратилган фаол ҳаракатлар мажмuinи амалга оширувчи, 16 ёшга тўлган, ақли расо шахс бўлиши мумкин.

ЖКнинг 244-моддаси 2-қисмининг диспозициясида қонун чиқарувчи ушбу жиноят маҳсус субъекти - оммавий тартибсизликлар иштирокчисига ишора қиласди. Демак, ушбу модданинг 1, 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг учта субъектининг ҳар бири ҳар бир жинояти бўйича тергов жараёнида аниqlаниши керак бўлган ўзига хос маҳсус белгиларига эга.